

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 85 (341), 2021 йил 29 апрель, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни ўз ичига олувчи **2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) маъқуллансин:

а) 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

2021 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этишнинг йиғма прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.1-иловага мувофиқ;

2021 йилда ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги кичик корхона, микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.2-иловага мувофиқ;

2021 йилда яқка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда хунармандликни ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.3-иловага мувофиқ;

б) 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатилмаган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатилмаган хизматларнинг умумий прогнози кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021 йилда ишсизларни бўш ва

захира иш ўринларига ишга жойлаштириш прогноз кўрсаткичлари 2.1-иловага мувофиқ.

2. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун қўйидаги миқдорларда субсидия, нафақалар ва микрокредитлар ажратиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

субсидиялар ажратиш учун — 92,3 миллиард сўм;

ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 миллиард сўм;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 миллиард сўм;

янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 миллиард сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки ҳафта мuddатда:**

Давлат дастури доирасидаги прогноз кўрсаткичларини туман (шаҳар)лар ва секторлар бўйича ойлар ва чорақлар кесимида ишлаб чиқиш, уларнинг халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокамадан ўтказилишини;

➤ Давоми 2-бетда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ДОИМИЙ ШУҒУЛЛАНИШ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСЛУБИ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Маҳалламизнинг шинамгина гузари бор. Бу ерда маҳалла оқсоқоли бошчилигида фаоллар тез-тез тўпланиб, долзарб масалалар хусусида фикрлашади, мулоқотлар, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Кейинги пайтларда бундай давраларда аёлларнинг фаолиги орта бошлади. Бу ерда келаётганларга разм солсам, аксарияти илгари уйда ўтирган, қўлида касб-кори бўлмаган, асосан, фарзанд тарбияси, уй юмушлари билан машғул бўлган аёллар.

Уларнинг барчаси бугунги кунда юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш борасида яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, оиласига, жамиятга фойда келтиришга интиляпти. Ўз навбатида, маҳалла фаоллари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар мутахассислари ҳам хотин-қизларга бу борада кўмак беришга ҳаракат қилмоқда.

➤ Давоми 3-бетда



САМАРАЛИ ТИЗИМ

Бандлик масаласи “хонадонбай” ва “мижозбай” ўрганилмоқда



Қаҳрамон САРИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши раиси

Президентимиз раислигида шу йилнинг 8 апрель кунини ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага оид ишлар муҳокама қилиниб, мавжуд муаммолар танқидий кўриб чиқилди ва тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолини даромадли иш билан таъминлаш энг мақбул йўл эканини бугун барча эътироф этапти. Ҳусусан, бу тизим аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикасида оилаларнинг даромад манбаларини, фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларини “хонадонбай” ҳамда тадбиркорларнинг муаммоларини “мижозбай” ўрганиш ва тезкор ҳал этиш бўйича тижорат банкларининг 418 нафар ходими маҳаллаларга доимий вақил этиб бириктирилди.

➤ Давоми 2-бетда

КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ҲАР ТОНГ ТУРИБ, ШУКРОНА КЕЛТИРАМАН

Ирода ЮСУПОВА
Беруний тумани “Обихаёт” маҳалла
фуқаролар йиғини

Мен Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани “Обихаёт” маҳалласида янги қурилган уй-жойларнинг бирида яшайман. Ҳаёт инсонга ҳамиша ҳам бенуқсон толени тортиқ қилавермайди. Гоҳида ўзининг қутилмаган зарбалари ва аччиқ изтироблари билан синайди. Бу менинг тақдиримда ҳам кузатилди — касаллигим туфайли бир оёғимдан ажралиб қолдим.

Ушанда яшашдан маъно қолма-гандек бўлганди, гўё. Лекин ҳаётимга нур бағишлаган фарзандим учун яшашга қарор қилдим ва бунинг учун ўзимда куч топдим. Ахир фарзандим мен учун ҳаётнинг энг буюк тўхфаси эди-да.

Шу юрда яшаётган оддий бир инсон сифатида ён-атрофимдаги одамлар ҳаётини, юртимиздаги ўзгаришларни ойнаи жаҳон орқали кўриб, кузатиб бора-ман. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ишлар қўллаб-қўвватлаш одамлар қалбига малҳам бўлди. Мен сингари оғир вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминлан-

ган оилада фарзанд тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мутож одамларда келажакка умид уйғотди. Ота-онамнинг уйда яшардим. Оиламиз катта, кўпчилигимиз. “Чикқан киз чиғирикдан ташқарида”, деб бежиз айтилмаган. Бунинг устига, мен ҳам фарзандим билан келиб олганман. Энди нима қиламан. Ўзим қолиб ота-онам, яқинларимни ҳам мушкул аҳволга қўйдим, деб ич-ичимдан ўки-нардим.

Маҳалламизга келган ишчи гуруҳ хонадонма-хонадон юриб, шароитимизни ўрганиб чиқди. Мени “Аёл-



Президентимиз борлигидан, юртимизда яратилаётган шароитлардан, яхши инсонларнинг эзгу амалларидан завқланиб яшайман. Қишлоқда туғилиб ўсганлигим учун ерни яхши кўраман. Инсон кенг далада барча ғам-ғуссаларини, ташвишларини унутади. Барча дардимни ерга тўқаман, ер олади, у кўтаради. Ҳатто ногиронлигим ҳам менинг ишимга, меҳнатимга тўсиқ бўлмайди. Ахир менга “Ватан ичра кичик ватан” берилди. Мен ўз меҳнатим билан бу яхшиликка жавоб беришни истайман!

Ҳозир “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида тикувчи бўлиб ишлаяман. Темирйўлчилар учун кийимлар, бўш вақтимда эса кўни-кўншилигимга пардалар, кўрпа-ёстиқ тикаман. Шу орқали оила боқяман.

Ҳар тонг туриб, шукрона келтираман. Президентимиз соғ-омон бўлсин, дея дуолар қиламан. Ахир шу инсон халқ ичига кириб, уларнинг дардини тинглаб, миллионлаб одамлар ҳаётига янгича мазмун олиб кирди. Шулардан бири менман. Шу кунларга етказганига шукр.

МУНОСАБАТ

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — ЛОЙИҲАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ИШГА ТУШИРИШ



Азиз ВОИТОВ,
инвестициялар ва
ташқи савдо вазирининг
биринчи ўринбосари

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик sanoat зонаси фаолият юритмоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингта яқин иш ўрни яратилган. Кичик sanoat зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Sanoat zonalarini ta'dbirkorlarimiz faoliyatini uchun juda qulay maskan bulib, aholini ish bilan ta'minlashda, kulab yirik loyihalarini amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etyapti. Shunga qaramay, bu zonalar da xali ishga solinmagan imkoniyatlar kupa.

Davlatimiz rahbarining "Maxsus iqtisodiy va kichik sanoat zonalarini muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari tugrisida" ti qarori ana shu imkoniyatlarini

kengaytirish yulidagi tarixiy hujjat buldi, desak mubolaga emas. Bu hujjat iqtisodiy zonalar da infratuzilma masalasida ta'dbirkorlarni qiyinab kela'atgan muammolarnin g echi mi buldi. Qaror bilan iqtisodiy zonalar da infratuzilmani yaxshilash ga ajratiladigan 1,6 trilyon s'um mablag' yangi ishlab chiqilgan loyihalarini joylashtirish da ta'dbirkorlar ga qulaylik yaratadi. Bu nafaqat ma'halлий ish bilarmonlar, bal-ki xorijий investorlar va ham-

➤ Давоми 3-бетда


ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИДА САНОАТНИНГ УЛУШИ

2000 йилда – 20,2 фоиз

2020 йилда – 28,5 фоиз

2010 йилда – 20,2 фоиз



Манба: Давлат статистика қўмитаси

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ДОИМИЙ ШУГУЛЛАНИШ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСЛУБИ

Бошланғичи 1-бетда

Бунинг натижасида биргина Тошкент вилояти Қўйрат туманининг “Ёшлик” маҳалласида “Аёллар дафтари”га кирган уч нафар хотин-қиз банкдан кредит олиб, тикувчилик буйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Айтиш жоизки, “Аёллар дафтари”нинг йўлга қўйилиши хотин-қизлар муаммолари билан тизимли равишда шуғулланиш ва уларнинг ечимини топиш борасида кенг имкониятлар яратди.

Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизматида маълум қилишларича, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Касаба уюшмалари федерацияси раиси мутасаддиликда ташкил этилган Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича республика комиссияси таркибидagi ишчи гуруҳлари олти яри миллиондан ортиқ хонадонга бирма-бир кириб, хотин-қизлар билан суҳбат ўтказиб, аёллар муаммоларини ўрганди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим асос бўлди.

Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича Республика комиссияси мутасаддиликдаги Ишчи гуруҳ бугунги кунга Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, “Аёллар дафтари” тизими буйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини, мазкур дафтарага киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш жараёнининг ҳаққонийлигини ўрганди.

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Гул парваришlash айримлар ўйлагандек осон эмас, анча захматли юмуш. Аввало, ҳудуд шароити мос навларни танлаш, қопаверса, ўз вақтида екиш, парваришlash, бу борада бозор талабини ўрганиш ва етказиб бериш керак бўлади.

МУНОСАБАТ

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — ЛОЙИҲАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ИШГА ТУШИРИШ

Бошланғичи 1-бетда

Бу лойиҳалар, асосан, иқтисодий-ёчимлик учун ўсиш нуқтаси ҳисобланган электротехника, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, нефть-газ, фармацевтика, туризм, иссиқхона хўжалиқлари, халқ истеъмолчи моллари билан чиқариш sanoati йўналишларида амалга оширилади.

неча йилдан буён гулчилик билан шуғулланиши баробарида, бу касб сирларини бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадида телеграмм тармоғида махсус канал ҳам юритилади.

Феруза кўп йиллардан бери ўз ишини кенгайтиришни ниёт қилар эди. Аммо маблаг етишмаслиги ишига тўғнақ бўларди. Давлатимиз томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган шароитлар ҳақида эшитиб, орзулари ушладиган кунлар келганига ишончи ортди.

Жумладан, “Узумзор”га қўшни “Дархон” маҳалласида яшовчи Олия Мамаражабова ҳам Феруза сингари опа-сингиларни таъминлашда тўлуса чиқариб, ўз қизиқшидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

— Яқин-яқингача муҳим иш жойим йўқ эди, — дейди Олия Мамаражабова. — Уч фарзандни ўқитиш, барча эҳтиёжларини таъминлашда масъулият ҳўжайинимнинг зиммасига тушаётганидан хижолат тортардим. Президентимиз ташаббуси билан “Аёллар дафтари” жорий этилиши мен сингари аёллар учун катта имконият бўлди.

Президентимиз ташаббуси ва гоёси асосида аёлларни ижтимоий муҳофазалаш ва бандлигини таъминлаш борасида йўлга қўйилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган янги тизим бугунги кунда ана шундай имтиёз аёлларнинг орзуларини рўёбга чиқариш, оилаларнинг фаровонлигини оширишда ўз самарасини намоян этмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан маълум қилишларича, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган, ўз бизнес гоёсига эга ана шундай хотин-қизларга Бандликка қўмақлаштириш давлат жамғармасидан 9,5 миллиард сўм субсидия ажратилди.

— “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда меҳнат бозоридagi фаол дастурлардан энг муҳим йўналишлар белгилаб олинди, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умурақов.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини, жумладан, хотин-қизларни касб-хўнарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди.

қўмақлаштириш режалаштирилди. Бундан ташқари, Халқ банки, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси билан биргаликда 10 минг нафар “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиб, микрокредитлар ажратиш орқали бандлигига қўмақлаштириш буйича меморандум имзоланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 12,5 минг нафар аёл касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилди ҳамда бу мақсадлар учун 6,9 миллиард сўм молиялаштирилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни

моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик иш билан таъминланмаган 3,5 минг нафарига 4,8 миллиард сўм ишсизлик нафақаси тўлаб берилмоқда.

ВАЗИФАЛАР ҚАЙ ЙЎСИНДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНАДИ?

Бу борадаги тартиб-қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган “Хотин-қизлар муаммоларини “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича” вақтинчалик тартиб асосида тасдиқланган.

Шу жараёнда аниқланган муаммолар секторлар штаблари қотиблари ва фуқаролар йиғини ҳодимлари томонидан хотин-қизларнинг шахсий аниқталарига 3 кундан ошмаган муддатда киритилади.

Тўдирилган аниқталар эса сектор раҳбарлари, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тўдирилган кундан бошлаб 1 кун муддатда тақдим этилади. Сектор раҳбари ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи билан 3 кундан ошмаган муддатда индивидуал аниқталарни қўриб чиқиб, таҳлил ўтказиш орқали аёлларнинг ижтимоий ҳўймага муҳтожлик даражасини аниқлайди.

— Ана шундай муҳим талаблар асосида шакллантирилган “Аёллар дафтари”да белгиланган ҳар бир вазифани ўз вақтида ижро этиш давлат ва ҳодовлат ташкилотлар зиммасига катта масъулият қўлайди, — дейди Қўйрат туман ҳўкимининг хотин-қизлар масалалари буйича маслаҳатчиси, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Саодат Солиҳова.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги илк қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган бўлиб, у ўттиш даври ва миллий давлатчилик асосларини яратиш йўлидаги дастлабки қадам эди.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали мавжуд муаммоларни тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар шу билан кенгайтириб қўлайди. Бу жабҳадаги ишларнинг йўналиши ва қамрови кенг. Хусусан, Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори асосида ҳамда ушбу йўналишда ўтган амвоаселектор йиғилишларида белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқинларини ўрганиш, тизимли таҳлил қилиш ва муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлар самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИЛИК

Ўзбекистонда конституциявий одил судлов институти

ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИЛМОҚДА

Бекзод МУСАЕВ, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, доценти



Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, оқчилик ва адолатчилик принципи асосланган суд ҳўкимиятини ташкил қилиш соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланган.

Қайд этиш жоизки, сўнгги тўрт йил давомида суд-ҳўқуқ соҳасини ислох этиш борасида қирқдан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Мазкур саъй-ҳаракатлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳўқуқ ва эркинликларини кафолатлашда муҳим пойдевор бўлди.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасидagi: “Адолат бу — давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳўкимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди”, деган фикрлари муҳим тарихий даврда юртимизда одил судлов тизимини мустаҳкамлаш буйича ислохотларнинг орта қайтамаслигини тасдиқлайди.

Президентимиз томонидан 2021 йил 27 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун бунинг яна бир исботидир. Юрт тараққийоти, жамият ривожини таъминлашда Конституциянинг ўрни беқўёсдир. Бош Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳўқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунчилик принципларини мустаҳкам қарор топтириш билан боғлиқ тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда суд ҳўкимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИЛИК

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИЛИК

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги илк қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган бўлиб, у ўттиш даври ва миллий давлатчилик асосларини яратиш йўлидаги дастлабки қадам эди.

2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонунга мувофиқ, унинг ваколати доираси кенгайтирилиши билан бирга, судья лавозимига номзодга қўйилган талаблар, уларнинг ваколат муддатлари билан боғлиқ қатор нормалар жорий қилинди.

Мазкур ислохотларга қарамай, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи суд-ҳўқуқ ислохотлари кун тартибидан тўхтади. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳўқуқий маданиятни юксалтириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таъминланди.

Бу конституциявий ислохотларни ижро қилиш давлатимизда қаратилган масалалар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг янги таҳририда тўлиқ инобатга олинди.

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИЛИК

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг янги таҳририга мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳўқуқларини ҳўйма қилиш, жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бир қатор янгиликлар киритилмоқда.

Биринчидан, унда Конституциявий судда иш юритишнинг барча процессуал босқичлари, яъни мурожаатлари дастлабки тарзда қўриб чиқиш ва ўрганиш, ишни қўриш учун қабул қилиш, суд ишларини юритиш иштирокилари ҳамда уларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суд қарорлари, суд мажлиси баённомаси ва бошқа ҳаракатлар конституциявий қонун даражасида аниқ мустаҳкамлангани унинг энг муҳим янглиги саналади.

Иккинчидан, янги таҳрирдаги қонун Конституциявий суд иш юритиш соҳасида халқаро тан олинган принципларни тўлиқ жорий қилишга қаратилган. Жумладан, у билан Конституциянинг устуворлиги, мустақиллик, коллегиялик, ошқоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳўқуқчилиги принциплари алоҳида бода мустаҳкамлангани ва уларнинг ҳар бирининг мазмуни очиб берилгани назарда тутилган.

Учинчидан, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳўқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилгани, бунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этиш ҳўқуқи таъминлангани муҳимдир.

Тўртинчидан, Конституциявий судга масалалар киритиш ҳўқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилмоқда. Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, Инсон ҳўқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Президент ҳўзуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳўйма қилиш буйича вакил, шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари буйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳўқуқлари буйича вакили Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳўқуқи берилмоқда.

Бешинчидан, Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳўқуқидан фойдаланишда оид ҳўқуқий механизмлар аниқлаштирилмоқда. Хусусан, Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳўқуқига эга экани аниқ белгилаб, унга ўзи киритган қонун лойиҳасини қўриш чоғида ўз вакилини тайинлаш ваколати берилиши кўзда тутилган.

Олтинчидан, янги таҳрирдаги конституциявий қонунда Конституциявий суд раисига Қонунчилик палатаси ва Сенат, уларнинг органлари мажлисларида, шунингдек, Олий суд пленуми мажлисларида иштирок этиш ҳўқуқи берилмоқда.

Умуман олганда, бу қонун ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибалар ҳамда миллий ва хорижий экспертлар томонидан билдирилган тақлифларнинг инъикоси бўлиб, мамлакатимизда конституциявий одил судловни таъминлаш ва миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришга, фуқароларнинг ҳўқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

